

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ГЕРМАНИЯ ТУРИСТИК ҲАМКОРЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ

Муродов Ҳалим Салимович

Осиё халқаро университети

“Тарих ва филология” кафедраси доценти, PhD.

[murodovhalim645@gmail.com](mailto:murodovhalim645@gmail.com)<https://doi.org/10.5281/zenodo.15267849>

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан дипломатик алоқаларнинг йўлга қўйилиши турли соҳалар билан бир қаторда туризм йўналишида ҳам ҳамкорлик лойиҳаларининг амалга оширилиши, Германиядан Бухоро вилоятига таширф буюрган сайёҳлар сонининг йилдан-йилга кўпайиб боришига таъсир қилган бир неча омиллар таҳлил этилган.

**Калим сўзлар:** Бонн, Руей Малмезон, Каннин, Варна, “Барқарор Бонн”, “ИТБ Берлин-2019”, “Мир Араб Травел”.

## DEVELOPMENT OF TOURISM COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND GERMANY

**Abstract.** The article analyzes several factors that influenced the establishment of diplomatic relations between Uzbekistan and the European Union countries, the implementation of cooperation projects in various fields, as well as in the field of tourism, and the annual increase in the number of tourists visiting the Bukhara region from Germany.

**Keywords:** Bonn, Rueil-Malmaison, Cannin, Varna, "Stable Bonn", "ITB Berlin-2019", "Mir Arab Travel".

## РАЗВИТИЕ ТУРИСТИЧЕСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА МЕЖДУ УЗБЕКИСТАНОМ И ГЕРМАНИЕЙ

**Аннотация.** В статье анализируются ряд факторов, повлиявших на установление дипломатических отношений между Узбекистаном и странами Европейского Союза, реализацию проектов сотрудничества в различных сферах, в том числе в сфере туризма, а также ежегодное увеличение количества туристов из Германии, посещающих Бухарскую область.

**Ключевые слова:** Бонн, Рюэй-Мальмезон, Каннин, Варна, «Устойчивый Бонн», «ITB Berlin-2019», «Mir Arab Travel».

Туризм соҳаси ҳозирги кунда фаол ривожланаётган ҳамда иқтисодий- ижтимоий муаммоларга ечим топаётган етакчи соҳалардан биридир. Жаҳоннинг ривожланган АҚШ, Буюк Британия, Германия, Испания, Хитой, Таиланд, Туркия каби давлатларида туризм индустрияси ривож ва ундан келаётган даромад мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий

масалаларни ҳал этишда асосий омил бўлмоқда. XX аср охири – XXI аср бошларида туризм соҳаси жаҳон иқтисодиёти мўжизасига айланиб, у нефт ва кон захиралари тугасада, лекин туризмдан келадиган даромад тўхтамайдиган аксинча ошиб борадиган манбалардан бири сифатида намоён бўлади. Туризм соҳасининг янада тараққиёти ва ривожини учун доимий равишда халқаро вазиятда тинчлик ва осойишталик муҳити долзарб аҳамиятга эга. Туризм саноати дунё иқтисодиётидаги уч етакчи экспорт соҳалари қаторига қўшилиб, нефт ва автомобилсозлик йўналишидан кейин учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Туризм саноати ривожланиш динамика ва унинг етакчилиги бошқа соҳаларга нисбатан янада юқори кўрсаткичларга чиқиши албатта халқаро вазиятдаги сиёсий жараёнларнинг ижобий ҳолатга ўзгаришини тақазо этади.

Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатлари билан дипломатик алоқаларнинг йўлга қўйилиши турли соҳалар билан бир қаторда туризм йўналишида ҳам ҳамкорлик лойиҳаларининг амалга оширилишига асос бўлиб хизмат қилди. Бухорода туризм саноатининг ривожланишида Германиянинг ҳам ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Германия билан ҳамкорлик алоқаларини икки даврга: 1992-2016 йиллар ва 2017-2021 йилларга ажратиш мумкин.

Биринчи даврда 1992-2016 йилларда Ўзбекистон Германия ўртасида сиёсий дипломатик алоқалар ўрнатилиши, сайёҳлик имкониятлар борасидаги ҳамкорлик битимлари тузилиши ҳамда Бухоро туризми ташкилотлари билах фундаментал асосга эга доимий фаолият йўлга қўйилди.

Германиядан Бухоро вилоятига ташриф буюрган сайёҳлар сонининг йилдан-йилга кўпайиб боришига қуйидаги бир неча омиллар таъсир кўрсатмоқда. Бухоро вилоятида фаолият олиб бораётган туристик ташкилотлар вакиллари томонидан хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик туристик ярмаркаларда иштирок этган ҳолда вилоятда янги очилган туристик йўналишлар ва инфратузилма объектлари бўйича тақдимот ишлари амалга оширилди. Бухорога янада кўпроқ сайёҳлар ва меҳмонларни жалб этиш, бой миллий маданият ҳамда туристик салоҳиятни халқаро майдонда кенгайтиришда Бухоро шаҳри билан Биродарлик алоқаларини ўрнатган Бонн, Рудей Малмезон, Каннин, Варна, Орехово-Зуево, Малатия, Кардова, Санта-Фе шаҳарларининг ҳам ўзига хос ўрни бор[1.192.]. Масалан, Германиянинг Бонн шаҳри билан Бухоро шаҳри ўртасида дастлабки алоқаларга 1999 йилда ўрнатилди. Шунингдек, ҳамкорлик-биродарлик муносабатлари 2003 йил март ойида Бонн шаҳри обербургомистри Б.Дикманнинг Бухорога ташрифи давомида ўрнатилди[2.Б.150.] 2008 йилдан бошлаб эса Биродар шаҳарлар ўзаро манфаатли дўстона биродарлик муносабатлари доирасида ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш мақсадида янги лойиҳалар устида иш олиб бордилар.

Шулардан бири Бонн шаҳрида 2008-2013 йилларда амалга оширилган “Барқарор Бонн” лойиҳаси бўлиб, бу жараёни кузатиб борган Бухоро шаҳри ҳокимияти 2013 йилда Боннга ташриф буюриб самарали натижалар билан танишди. Бонн мери Нимчш Бухоро туризм шаҳри бўлганлиги туфайли лойиҳанинг кичик қисмини яъни шаҳардаги сайёҳлар ташриф буюрадиган меҳмонхоналар ва овқатланиш ресторанлари иқтисодини мустаҳкамлаш лойиҳасини амалга ошириш таклифини илгари сурди[3.Б.24-25]. Лойиҳада туристик раҳбар ходимларнинг меҳмонхоналарда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, молиявий барқарорлик ҳамда атроф муҳитни муҳофаза этиш масалаларини ривожлантиришдаги замонавий инновацион ечимлар Бухоро шаҳри иқтисодиётини ривожлантиришга жумладан туризм тармоғининг улушини янада ортишига хизмат қилиши ҳисобга олиниб, ҳукумат томонидан 2015-2016 йиллардан бошлаб Бухоро шаҳри учун тадбиқ этишга қарор қилинди.

Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган "ИТБ-2016 Берлин" халқаро туристик ярмаркасида "Мир Араб травел", "Аутхентик Травел" туристик фирмалари иштирок этиб, Бухоро вилоятининг туризм маҳсулотлари тарғиб этишди. Ушбу туристик фирмалар ярмаркада қатнашиш орқали сайёҳлар ташриф буюрадиган давлатлар географиясини кенгайтиришга ҳамда янги турмаҳсулотлар ва туристик йўналишларни ўрганиб, Бухоро туристик ҳудудини диверсификациялаш жараёнини янги босқичга кўтаришда ижобий таъсир кўрсатди. Шунингдек, мазкур ярмарка асосан француз тилида сўзлашадиган Франция, Белгия, Канададан келувчи туристларни қабул қилган бўлса энди, немис тилида сўзлашадиган давлатлар сайёҳларини ҳам Бухорога жалб этишни мақсад қилган эди.

Шунингдек, Бухоро туризм коллежида 2002-2005 йилларда “Ўзбекистонда бошланғич касб-хунар таълимни қўллаб-қувватлаш” бўйича ўзбек-герман лойиҳаси асосида Германия билан халқаро ҳамкорликда “Хорижий таомлар ошпази” ҳамда “Туристлик хизматлар ташкилотчиси” йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилиб, дастурга кўра коллеж амалиёт устахоналари замонавий ресторан ва ошхона асбобускуналари билан тўлиқ жиҳозланган. Ушбу ҳамкорлик хусусан Бухоро вилоятида туризмни соҳасида хизмат қиладиган замонавий ривожлантиришда ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Олиб борилган сайъ-ҳаракатлар натижасида асосан Германиядан Бухорога туристларнинг оқими сезиларли даражада ўсди. Хусусан, 2012 йилда Германиядан 6524 нафар, 2013 йилда 8562 нафар, 2014 йилда 9105 нафар, 2015 йилда эса сайёҳлар сони 10000 кишидан ортиқни ташкил этди[4. Б. 150].

Бухорода туризм соҳасининг ривожланишида Германия билан алоқаларнинг иккинчи даври алоҳида аҳамиятга эга.

Бунга биринчи навбатда Ўзбекистон ҳукуматининг очиклик сиёсати эди. 2018 йил 9-16 апрел кунларида Германиянинг Бонн шаҳридаги Халқаро ишлар ва глобал барқарорлик бўлими бошлиғи Стефан Вагнернинг 2018 йил 29 мартдаги таклифига биноан, Бухоро шаҳар ҳокими бошчилигидаги делегация ҳамда “Бухоро мавжлари” ашула ва рақс ансамбли Бухоро ва Бонн шаҳарлари биродарлиги ҳамда Наврўз байрами муносабати билан Бонн шаҳрига ташриф буюрди. Ташриф натижасида Бухоро шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ ҳамкорлик меморандуми ҳамда туризм истиқболига хизмат қиладиган янги ҳамкорлик келишувлари имзоланди[5.Б192.].

Мазкур даврда Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган "ИТБ Берлин-2019" халқаро туристик ярмаркасида "Мир Араб Травел" туристик ташкилотлари муносиб равишда иштирок этиб, Бухоро вилоятнинг туризм маҳсулотларини тарғиб этишди[6.].

Меҳмонхона индустрияси борасидаги халқаро ҳамкорлик Бухорода жаҳон стандартларига жавоб берадиган меҳмонхоналар сонининг кўпайиши ва Бухоро туризми олдида қўйилган бир кунда ўн минг туристга хизмат қиладиган жойлаштириш воситаларини жадал барпо этишда асосий омил бўлмоқда. Германиянинг оммавий ахборот воситалари вилоятга амалга оширган ташрифлари Бухоронинг сайёҳлик салоҳиятини намоён қилиш мақсадида кўплаб тасвирга олиш ишларини олиб боришди.

Жумладан, “ARD” телевиденияси тасвирга олиш гуруҳи вакиллари 21-22 май кунлари Бухоро вилоятида ижодий ишларни амалга оширди. Ташриф давомида ижодий гуруҳ томонидан “Лаби Ҳовуз” ансамбли, “Токи саррафон”, “Токи телпақфурушон”, “Токи заргарон” маданий меърос объектлари, “Пойи Калон” мажмуаси, “Арк” қўрғони, “Сомонийлар” мақбараси ҳамда “Ситораи Мохи Хосса” ёзги саройида тасвирга олиш ишлари олиб борилди.

Умуман олганда Европа Иттифоқи давлатларидан сайёҳларнинг энг кўп ташриф буюрадиган туристик мавсум ойлари апрел, май, август, сентябр, октябр эканлиги статистикадан маълум бўлди. Статистика таҳлили бўйича сайёҳлар мавсумининг бундай кўринишга келишининг асосий сабаби бу Ўзбекистон жумладан Бухоронинг ёзги иссиқ табиий иқлимининг Европалик сайёҳлар саломатлигига салбий таъсир қилиши билан боғлиқдир. 1992 -1993 йилда Бухорода атиги 3 та меҳмонхона яъни жойлаштириш воситаси бўлиб, ундаги ўринлар сони эса 991 тани ташкил этган[7.Б.117-119.]. Бухоро вилояти ҳудудида 2020 -йил жами 362 жойлаштириш воситаси фаолият кўрсатиб , улар жами 3732 хона ва 8526 ўринни ўз ичига олади. Шундан 151 таси меҳмонхона, 65 таси хостел ва 146 таси оилавий меҳмон уйдир[8.uz.]. Ушбу кўрсаткичлар туристик қайноқ мавсумида сайёҳларни жойлаштириш билан боғлиқ асосий муаммони ечиш йўлида ташланган катта қадамлардан бири бўлди.

Ташкил этилган меҳмонхона ва бошқа жойлаштириш воситалари замонавий талабларга жавоб берадиган стандартлар асосида ўз фаолиятини йўлга қўйди. Туризм соҳасидаги амалга оширилган тизимли ислохотлар натижасида Бухоро туризмнинг жозибадорлиги янада ошиб, сайёҳлар сонининг кўпайишига хизмат қила бошлади. Жаҳон сайёҳлик оқимининг кенгайиши ва халқаро туризмнинг барқарор ривожланишига ер сайёрасидаги тинчлик, давлатларaro сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамда савдо соҳасидаги ҳамкорлик алоқалрининг доимий йўлга қўйилганлиги, миллий, минтақавий, дунёвий хавфсизликнинг сайёҳлар эркин ҳаракати учун кафолатланган даражаси асосий омил ҳисобланади.

## REFERENCES

1. Buxoro viloyat davlat arxivi. 1503-M- Fond. 1-Ro`yxat.32-Ish 192-varoq
2. Buxoro viloyat davlat arxivi. 1503-M- Fond. 1-Ro`yxat.29-Ish 150-varoq
3. Buxoro viloyat davlat arxivi. 1503-M- Fond. 1-Ro`yxat.15-Ish 24-25-varoq
4. Buxoro viloyat davlat arxivi. 1503-M- Fond. 1-Ro`yxat.32-Ish 150-varoq
5. Buxoro viloyat davlat arxivi. 1503-M- Fond. 1-Ro`yxat.32-Ish 192-varoq
6. Buxoro viloyat turizmni rivojlantirish departamenti joriy arxivi.2017-2019 yillarda amalga oshirilgan ishlar to`g`risidagi ma`lumotnomasi
7. O`zbekiston Milliy arxivi. 141-Fond-M, 1-Ro`yxat, 9-ish, 117-119-varoqlar.
8. [uzbektourism.uz](http://uzbektourism.uz)
9. Sadullayev, U. (2024). MAHALLA: UNDERSTANDING THE CONCEPT. *Medicine, pedagogy and technology: theory and practice*, 2(4), 376-385.
10. Sadullayev, U. (2024). MAHALLA: UNDERSTANDING THE CONCEPT. *Medicine, pedagogy and technology: theory and practice*, 2(4), 376-385.
11. Sadullaev U. (2024). USE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN EDUCATION. *Medicine, Pedagogy and Technology: Theory and Practice*, 2(5), 344–352.
12. Sadullayev, U., Gadayeva, M., & Toshpo`latova, S. (2024). MAHALLA– QADRIYATLAR BESHIGI. *Modern Science and Research*, 3(12), 1228-1238.
13. Gadayeva, M., Toshpolatova, S., & Sadullayev, U. (2024). TARIX FANLARINI OQITISHDA MUZEYLARNING ORNI. *Modern Science and Research*, 3(12), 994-1003.
14. Sadullayev, U. (2024). MIRZA SIROJ HAKIM AND HIS LEGACY. *Modern Science and Research*, 3(2), 902-910.

15. Toshpo'latova, S., Gadayeva, M., & Sadullayev, U. (2024). SHARQ ALLOMALARINING DIDAKTIK QARASHLARI. *Modern Science and Research*, 3(12), 985-993.
16. Shokir o'g'li, S. U. (2023). The History of the Creation and Formation of the Neighborhood. *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769), 1(10), 480-485.
17. Sadullayev, U. (2024). THE NEIGHBORHOOD IS THE CRADLE OF VALUES. *Modern Science and Research*, 3(1), 607-613.
18. Shokir O'g'li, S. U. (2023). The importance of the mahalla system's reforms in new Uzbekistan. *International Journal Of History And Political Sciences*, 3(10), 25-30.